



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**QARORI**

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 1-uy. Faks: (+99875)221-12-88, [qashqadaryo@exat.uz](mailto:qashqadaryo@exat.uz)

2021 - yil 3 - iyun

233-4-0-Q/21

Qashqadaryo viloyati hokimligi

**Вилоят делегациясининг Тожикистон Республикасига бориб келишлари билан боғлиқ харажатларга маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 28 майдаги 24–1-987-сон алоқа хати ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари Б.Юсуповнинг 2021 йил 29 майдаги хатига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистон Республикасига расмий ташрифига тайёргарлик кўриш бўйича вилоят делегациясининг жорий йил 2-6 июнь кунлари Тожикистон Республикасига хизмат сафари билан боғлиқ харажатларига маблағ ажратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармаси (Юсупов), вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йилги захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан, вилоят делегациясинининг Тожикистон Республикасига хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар учун вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасига 14 (ўн тўрт) млн. сўм маблағ ажратсин.

2. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (Аҳмедов), вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Эргашев) мазкур қарорга асосан ажратилган маблағларни тўлов интизомига риоя этган ҳолда ишлатилишини таъминласин.

3. Вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси (Рахматов), ажратилаётган маблағнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан назорат ўрнатсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Эркаев зиммасига юклатилсин.

Қашқадарё вилояти ҳокими



Z.Mirzayev